

ТОШКЕНТ

ОКШОМИ

№ 230 (2214).
ДУШАНБА
ОКТАБР 1973 й.
Газета 1966 йил 1
июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Хал қилувчи йилнинг зарбдор вахтаси

МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА-ОКТАБР

Бүгүн

Беш йиллик учинчи йили хал қилувчи кварталнинг биринчи оқи — октябрь меҳнат эстафеси.

Ўзбекистон пойтахтининг саноат корхоналари, транспорт, алоқа ташкилотлари коллективлари январь—сентябрь ойлари план топшириқларини муддатда олдин шараф билан адо этдилар. Натижда тўққиз ойлик планга қўшимча бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот кўп реализация қилинди. Масалан, машинасозлар қишлоқ хўжалиги эҳтиёжи учун кўпгаб техника воситалари, енгил ва озин-овнат саноати ходимлари кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришди. Бино-

корлар ҳам ёмон меҳнат қилишмади. Улар бир қатор саноат корхоналари корпусларини, Юнусовда, Қорақамиш, трактор заводи массивларида турар жой биноларини фойдаланишга топширидилар. Хал қилувчи йилнинг ўтган тўққиз ойи шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари меҳнат вахтаси нима билан характерланади! Октябрь ойда қандай вазифаларни хал қилиш керак бўлади!

Саноат корхоналари, қурилишлар ўртасидаги бутунги йўқламамиз ана шу саволларга жавоб беради.

Сўз—корхона раҳбарларига

МУКОФОТДАН РУҲЛАНИБ

Бүгүн

М. ҒУЛОМОВ, 3-уй заводнинг директори

Йил бошидан буён заводимизда ишлаб чиқилган сортди ун маҳсулотлари 34 минг тоннага етди. Бу планда белгиланганидан 4,5 минг тонна кўпдир. Кам маблағ сарфлаган ҳолда кўпгаб сиратли маҳсулот тайёрлаш шiori асосида социалистик мусобақани авж олдирган саноат корхонаси меҳнатчилари қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш тўғриси ойлик план топшириғи муддатдан илгари 30 августда шараф билан адо этилди. Топшириққа қўшимча 850 минг сўм-

лик маҳсулот буюртмачиларга жўнатилди. Коллективимиз маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг таннархини арзонлаштириш учун ҳам қизғин кураш олиб борапти. Бундан тўғриси 1-сортта ун топшириш кўзда тутилганидан 7 процентга ортгани, таннархи 60 минг сўмга камайтиришга эришилганидан ҳам билиш мумкин. Меҳнат унумдорлиги эса 13,4 процентга ўсди. Корхонамиз ишчиларининг меҳнатдаги қувончли ютуқлари мунисиб тақдирланди. Мана, икки кварталдирки, биз СССР тай-

куч-гайратларини ишга солиштилар. Ҳозир заводимиз ишчилари ўртасида Улуг Октябрнинг 56 йиллик байрами шарафига мусобақа кенг қулоқ ёган. Яқна тартибдаги беллашууда Н. Абдуқодиров, А. Қозоқбоев, Т. Шоюнўсов, З. Мирзаева, В. Юлдаев каби ўнлаб меҳнат зарбдорларининг қўллари баланд келмоқда. Улар шу кунларда келгуси йилнинг турли ойлари ҳисобига ишлашмоқда. Хал қилувчи йил программасини 20 ноябрдан бажарамиз ва планга қўшимча 3500 тонна сортди ун берамиз! Асосий эътиборини ана шунга қаратган ишчиларимиз тайёр намуналарини кўрсатиб ишлаяптилар.

ФАРЗАНДАР

УЧУН

А. БОГУСЛАВСКИЙ, Уйинчоқлар фабрикасининг директори

Куч ва маблағларни оз сарфлаб, кўп ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш буйича бошланган мусобақа ўз самарасини кўрсатмоқда. Ўтган тўққиз ойда 4 миллион 50 минг ўринга 4 миллион 437 минг сўмлик ҳар хил уйинчоқлар ишлаб чиқариб, эркатойларни хурсанд қилдик. Сентябрь ойида салкам ярим миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Коллективимиз ишчи беш йиллик хал қилувчи йили учун олган социалистик мажбуриятда бир неча номдаги янги маҳсулотларни ўзлаштириш алоҳида кўрсатилади. Бу соҳада ҳам ишчилар ўз ваъдаларига вафо қилишмоқда. Шу кунга қадар 16 номдаги ҳар хил катталикдаги уйинчоқларнинг тақриба нусхаларини яратиб, кўпгаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Фабрика коллективни қучатган зафарларда вақтдан ўзим ишлаётганларнинг мунисиб ҳисобидан бор. Ингуачлардан С. Насриддинова, М. Қодирова, прессовчи З. Валеева, слесарь Б. Маазур сингари ишчиларини корхонамиз машаълари деярли мумкин. Қурилиш нормаларини 1,5 ва ундан ошириб адо этиб келганлар бу пешкадалар шу кунларда 1974—1975 йилларнинг турли ойларини ўз шахсий меҳнат қаландарларида кўтиб олишган.

Хал қилувчи йилда коллективимиз 5 миллион 400 минг сўмлик маҳсулотлар билан ўз буржумчиларини маънун этиши керак. Бунинг эҳтиёжини ишчилар кун сайин суръатга суръат қилиб, фидоюрона меҳнат қилияптилар.

Тошкент—жаҳонга

Нафис буюмлар экспорти

Бадний буюмлар фабрикасининг чеварлари тайёрлаётган маҳсулотлар харидорларнинг хурматиға сазовор бўляпти. Ўзбек миллий буюмлари мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Яқинда ўзбек дўпчиларининг бир партияси

Чехословакия ва Япония мамлакатларига жўнатилди. Корхона маҳсулотлари кенгини пайларда Ҳиндистон, Польша каби мамлакатларда бўлган халқаро саноат ярмаркаларида муваффақият билан намойиш қилинди. Шу кунларда корхонада яна бир янги маҳсулотни тайёрлаш иши — кўёвларга атайлаштирилди. У келин — кўёвларга атайлашган комплектидир. Унда ҳар хил ипақлар билан тикланган сўзана, дорпеч ва гулли буюмлар бор.

Шу куннинг интервьюси

ЭЛЕКТРОНИКА ЁРДАМИДА

Саноат корхоналарининг план топшириқларини муваффақиятли бажаришда, пойтахт хўжалиги фаолиятида Марказлашган юк ташини шаҳар автомобиль трети муҳим рол ўйнайди. Айниқса, у халқ хўжалик юкларини, далаларда етишган куз пельматларини жойларга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Автотранспорт хўжалигининг январь—сентябрь ойларидаги иш якуллари қандай бўлди? Мухбиримизнинг ба саволига Н. Шибиков шундай деди:

Бүгүн

автотранспорт корхонамиз коллективининг тўққиз ойлик планга қўшимча ташинган юклари 375 минг тоннадан ошди. Бу, дедим, транспортчилар ўз ваъдаларига вафо қилишлар деган сўз. Биз йил охиригача топшириққа қўшимча ярим миллион тонна юк ташимиз. Шу куннинг бош вазифаси нима? — Бутуннинг асосий

Етти бор ғолиб коллектив

Алюминий эритилган пешта туз бўйи зангори олов сўмади. Тузи билан паст бўлган олов кундузи янада алағча олди. У ўтга чидамли ғишт билан аслаган паст деворларини қиздириб турарди. Қўқовчи Геннадий Мокшин газда қўйма аслаган доимий металл қонилларни эўр бериб қиздиради.

— Бу бизнинг гўшт қиймалағич «пиширидан» тоғамиз, дейди ҳазиломуз Г. Мокшин. — Бу тоға алоб-та қизган бўлиши керак. Шундан сўнг бошқа ишни эритилган қуқ металлин пешдан олиб, қонилларни тўдириб қўя бошладим. Эритилган алюминийлар қонилдан ўз ўринини эгаллаб, аста-секин қотиб боради.

«Таштекстльмаш» заводининг халқ истеъмоли буюмлари пешта тайёрланадиган гўшт қиймалағичларини ишлаб чиқариш цехининг қуёв участкасидадан бошланди. Коллектив планнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги аввало ана шу қуёвчиларнинг гайратига боғлиқдир. — Мен ўз сменадо-

ТОНГГИ РЕПОРТАЖ

шим Абдуразоқ Суяров билан биргаликда ҳар кунги планга қўшимча ўнлаб қўйма тайёрламиз, — дейди Г. Мокшин. — Иккинчи ҳам беш йилликни тўрт йилда бажариш мажбуриятини олганмиз. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Носир Рашидов ҳам ўз ишида бир мунча муваффақиятларга эришилди. Эришилмаган муваффақиятларини у ҳар бир шогирди билан, жумладан яқинда Давлат Хунартехника билан юртин тавомолловчи бир юз биринчи шогирди — Салава Осипов билан



Бутуниттифоқ мусобақасида актив қатнашаётган пиланлашқин фабрикаси меҳнат эҳли ҳам пойтахтимиздаги пешкада корхоналар сафида бормоқда. Фабрика коллективи муваффақиятининг таъминлашда бу ерда вақтдан узаган ҳолда меҳнат қилётганларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Титув цехининг мастер ерданчиси С. Жаббаровнинг корхонада ишлаётгани 15 йил бўлди. Шу даврда у фидоюрона меҳнати билан кучли, лиқ хурматини қозонди. Коммунистлик меҳнат зарбобори М. Зиёева ҳозир 1974 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Меҳнатчиларимиз М. Қодиров ҳам ўз насабининг моҳир устасидан.

СУРАТДА: (юқоридан-пастига): Саттор Жаббаров, Мавлуда Зиёева ва Мумин Қодировлар. Н. Шойноғомов фотоси.

ҚИММАТЛИ ИККИ ОЧКО

«Пахтакор» командаси СССР футбол бўйича чемпионатидаги иштирокидаги турнида ўз майдонидан Марказий армия спорт клуби футболчиларини қабул қилди. Бу — командаларнинг давлатимизнинг биринчи даврасидаги ўйинида москваликлар йирик ҳисобда қозонишган, СССР Кубоги учун бўлиб ўтган иккинчи ўрашувининг биринчи давригагина қараганда, иккинчида тураник натижага қайдирилган эди.

ТАСС АХБОРОТИ АССАЛОМ, МОМО ЕР!

Космонавтар Лазарев ва Макаров ўртоқлар «Союз-12» кемаси ичидан иш программасини тугатган. 1973 йил 29 сентябрда ерга қайтиб тушишди. Москва вақти билан соат 14 дан 34 минут ўтганда «Союз-12» космик кемасининг туширилувчи аппарати Совет Иттифоқи территориясида Қарағанда шаҳридан 400 километр жануби-ғарбда оҳиста қўнди. Ерга тушган космонавтарлар ўзларини яхши ҳис қилишди.

Орбита бўйлаб учини чоғида мўлжалланган синавалар ўтказилди ва такомиллаштирилган борти системалари текшириб чиқилди. Космик кемани маневр қилдиришда, мўлжалга олдиришда ва стабилизация турли учини режимида қўлда ва автоматик тарзда бошқариш процесслари иштиққилди.

Белгиланган программага мувофиқ космонавтар Лазарев ва Макаров халқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб, табиий тузилмаларнинг спектротрофик суратларини олишди.

Экспериментлар тугатган, кемани ерга қайтаришга тайёрлаш операциялари ўтказилди. Орбитадан тушини олдириш кема мўлжал олдирилди ва белгиланган вақтда тормозловчи двигател устасига ишга солинди. Двигател ишлаб бўлган, кеманинг бўлмалари ажради ва туширилувчи аппарат пасайиш траекториясига ўтди.

7,5 километр баландликда парашют системаси ишга солинди, Бесостига ерга яқин қолганда оҳиста қўндириш двигателлари ишга тушди ва туширилувчи аппарат мўлжалланган районга раван тушиб қўнди.

Ҳамма учини босқичларда «Союз-12» кемасининг системалари, агрегатлари ва илмий аппаратлари бекамлик билан ишлади. Кўниш жойида ўтказилган медицина текшируви Лазарев ва Макаров ўртоқларнинг сийҳат-саломатлигини яхши эҳтиётини кўрсатди. Учун чоғида олинган маълумотлар ишлаб чиқишда ва ўрганишда.

Р. Р. ШРЕДЕР НОМЛИ ИНСТИТУТ—75 ЁШДА

Ленин ордени академик Р. Р. Шредер номли Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти 75 ёшга тулди. Бу — илмий муассаса ҳаётида ажойиб воқеа. 75 йил бу институт коллективининг қаломотга етиганидан далолат беради.

Институт ўтган асрининг охирида — 1998 йили ташкил топган эди. Ушанда у Туркистон ўлкаси ер ишлари департаменти ҳузуридаги иккинчи бир тақриба станцияси эди. Станциянинг 6 илмий ходими ва 16 гектар майдони бор эди, холос. Энди иккинчи эдинг. Ҳозир институтнинг ва институт илмий муассасаларининг майдони 8 минг 500 гектардан зиёд. Ҳаммаси бўлиб 2 минг 700 ходим ишлайди. Институт босиб ўтган йилги шу ва шунга ўхшаш қатор факт ва рақамларда тас-

вир этиш мумкин. Институт ходимлари олиб берган илмий ишлар халқ хўжалиги ютуқлари виставасининг 35 дипломи, 12 олтин медали билан тақдирланган. Халқаро вистава ва конкурсларда 24 олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлган.

Ана шу ажойиб сана арафасида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Тошкент» газеталарининг бир гуруҳи ходимлари институтда бўлиб бу ерда олиб бориётган ишлар билан танишдилар. Газета-мизининг иккинчи саҳифасида Ленин ордени Р. Р. Шредер номи Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг директори, Социалистик Меҳнат Қатрамони Махмуд Мирзаевнинг маълумасини ўқиниш мумкин. Қуйида институт ҳаётига оид хабарлар эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

«ЮЛДУЗЛАР ЮЛДУЗИ»

Шредер номи институтининг гулчилик секторига гулларнинг бой коллекцияси йилдан-йилга фақат атрагуларнинг ўзидан 400 хил бор, бирини гулли хризантемаларнинг, гладиолус ва нарцисларнинг юздан зиёд турлари маъжуд, дунё ўсимликларининг ҳислам-хил турлари тўплагани. Бизни улар билан бўлим мудири Арпад Кузьмич Кияткин таништириб чинди.

Институтнинг 2 гектар майдонини эгаллаган олти гулхонасида голланд твоядисини, кантус ва уй гулларининг бир неча навлари кўпайтирилмоқда... Бу кўчатлар билан институт Ўзбекистон қолхоз ва

совхозларини, Тошкент гул магазинларини таъминлаб турибди. Бу йил биринчи марта институтдан республикамиз гулчилик питомникларига Америка атрагуларини «Супер стар» нави наваминлари кўпгаб юборилга бошланди. «Супер стар»нинг маъносини «юлдузлар юлдузи» дегани. Бу атрагу ўз номига жуда монанд. Унинг маъноси қизғин-зангори япроқлари инсон қўли билан асаланган турли-туманли. Гулзорда кўзга биринчи бўлиб ташланади.

Яқинда ана шундай «юлдузлар» пойтахтимиз ва хизматларимиздаги гулзорлардан мунисиб ўрин эгаллайди.

Мўъжизакор қулупнай

Қишлоқ хўжалиги филиалари вандити Сином Иляозидинова Ягулдиннинг хўжалигини фақат мевалардан иборат. Шу ерда етиштирилган қулупнайнинг янги иккинчи нави давлат синовиға топширилди. Уларга «Восход» ва «Ўзбекистон Гулази» деб ном берилди.

Бу қулупнайлар ўзининг иккинчи ажойиб сифати билан ажралиб туради. Биринчидан улар кеч гуллайди. Бу дедим, уларни соғуқ ўрни тасофиди жуда кам. Иккинчи

Олимлар кенгашига

Шу ҳафтада Тюменда гилмояларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш бўйича Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Унда ер остида учрайдиган нефть ва газларнинг сақланишида, узаришда ва уларни қидириб топшида гилмоялар аҳамияти муҳокима қилинади.

ЮБИЛЕЙ ОЛДИДАН

Ҳамза район партия комитети ҳузурида ташкил этилган «Секретарлар кўни» бир ойда икки марта иш олиб борапти. Унинг ташкил этилиши ҳам республикамиз юбилейига таъйёрлик масаласига бағишланди. Секретарлар навабдаги маъмулотини нима-ларга бағишлаш кераклигини тўғрисида таклиф ва иштирок билдирилди.

ЮБИЛЕЙ ОЛДИДАН

Ҳамза район партия комитети ҳузурида ташкил этилган «Секретарлар кўни» бир ойда икки марта иш олиб борапти. Унинг ташкил этилиши ҳам республикамиз юбилейига таъйёрлик масаласига бағишланди.

ЎЗБЕК ҚОМУСИ 3 = ЖИЛ

Ўзбек Совет Энциклопедияси сақланган китоб жавонингизга унинг яна бир жилда қўшилди. 3-жилд босмадан чиқиб, китоб магазинларга тарқатилмоқда. 3-жилднинг 3-жилди ҳақида гапиршадан олдин, имкониятдан фойдаланиб, унинг 1-ва 2-жилдларини ҳақида ўқувчиларнинг турли мулоҳазаси ва истаклар билдирилиб юборган айрим хатларга жавоб беришни жоиз кўрдик.

«ЎзСЭнинг 1-ва 2-жилдларини ҳавас билан қараб чиқиб, катта бир маънавий хазинани қўлга киритгандек бўлдим, — деб ёзади деовлик ўқувчи А. Хамроев, — шу китоб тўғрисида ўқувчилар ўртасида кўп баҳс-баҳсга сабаб бўладиган турли саволларга жавоб топдик».

«ЎзСЭнинг 3-жилди бир-бирига қарши фикрлар, субъектив қарашлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Лекин энциклопедияда бунга йўл қўйиб бўлмайдди. Ўқувчи ундан аниқ, равои тилда илмий жавоб олиши керак. Шунинг учун ҳам энциклопедия мақолаларини тайёрлашда кенг жамоатчилик, музаям соҳанинг етук олимлари қатъ этилади. Кўп мақолалар ЎзСЭ илмий секцияларида бир неча бор муҳокама қилинади».

«Мен Тошкентга отпусмага борганимда «Ўзбек Совет Энциклопедиясига» ёзилган эдим. Унинг жилдлари бизга ҳам етиб келди, — деб ёзади Белгородда Совет Армиясида хизмат қилувчи Исмоилон Нейматов. — Қисимлидаги ўзбек интиллари унга жуда қизиқиб қолди. Ҳозир бу китоб биз учун асқотайди. Дўстларим ҳам унга ёзилиш истганини билдиряптилар. ЎзСЭ га обунга тўхтатилмаганим!»

Бундан саволлар билан кўччилик муражаат қилапти.

ЎзСЭнинг 3-жилди «Вакфонома» мақоласи билан бошланади, «Деҳли» мақоласи билан тугайди. Унинг умумий ҳажми олдинги жилдлар ҳамма билан баробар бўлиб, 3238 мақолани ўз ичига олади. Бундан 573 таси биографик мақолалардир. Бу жилдада «ВКП [Б]нинг барча сўз ва конференциялари алоҳида мақола қилиб берилган. «Генетика», «география», «геодезия», «геология», «геометрия», «геофизика» каби фан соҳалари ҳақида алоҳида мақолалар, «Гигиена», «Гиламчилик», «Гилос», «ГОЛЕРО», «Грамматика», «Гуманизм», «Гузалик», «Гўрбўли», «Дарслик», «Дашти кичкоқ ўзбеклари», «Девону пугатит турки» каби ирриқ мақолалар, «Давлат ва бу суз билан боғлиқ 20 га яқин мақола шу жилдада берилган. 3-жилдада 28 та рангли ва оқ-қора еклики, 12 та рангли карта келтирилган. Бу жилда Ю. Янонис номидаги фабрикада тайёрланган махсус 1-нормалар қозғога босилган.

Кўпайди ЎзСЭнинг 3-жилдидан олинган айрим материаллар берилди.

Э. ОТАҚУЗЕВ,

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси илмий котиби.

М. АМИНОВ,

педагогика, психология ва ҳақ маорифи илмий редакцияси мудири.

6-аср охирида Волганинг қўни оқимиде вужудга келган Хазар подшоҳлигига Ўрта осеиянлардан 20 мингга яқин киши қўчиб келган эди. Уларнинг қўчилиги хоразмликлар бўлган. Хоразмликлар Хазар подшоҳлигининг ички ва ташқи савдосида муҳим роль ўйнаганлар. Подшоҳлик вазири, одадта, хоразмликлардан тайинланган. Ҳатто подшоҳлигининг 1200 кишилик гвардияси ҳам хоразмликлардан тuzилган.

Хоразмликлар Хазар подшоҳлигининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида катта маъна эгаллаганлар. Мўғулларнинг Олтин Урда давлати барпо этилганда кейин ҳам Волга бўйи ўзбеклари давлатнинг иқтисодий-сиёсий ҳаётида ўз мақенини сақлаб қолди. Улар Ўрдадан Сарай Боту (Астрахань яқинида) ва Сарай Берка (Волгоград яқинида)га пойтахт шаҳарларида истиқомат қилиб, савдо-хўнарамчилик ҳарқларининг барпо этилиши ва тарқибиде Волга бўйи ўзбеклари фаол иштирок этишган. Бу ердаги олим ва руҳонийларнинг аксарияти ховрамлик ва бухороликлар бўлган. Волга бўйи ўзбеклари Олтин Урда давлатида архитектура, нақш, ҳунарамчилик тарқибиде ва маданият юксалишига муҳим ҳисса қўшганлар. Олтин Урда адабиёти ва алабий тилининг вужудга келишида ҳам катта роль ўйнаганлар. 15-асрнинг 50-йилларида Олтин Урда ҳаробаларида ташкил топган Астрахань ва Қозон хонликлари Русь давлати томонидан босиб олинди. Волга бўйлари Русь давлати қўлига ўтди. Шундан кейин Ўрта осеияликлар, хусусан хоразмликлар Астрахань яқинида қўчиб келиб ўрнаша бошладилар. Улар Россиянинг Ўрта Осие ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан Волга бўйлари оралида қилган маданият-сиёсий алоқаларида воситачилик қилдилар. Хўнарамчилик билан шуғуландилар. Айрим маълумотларга кўра Волга бўйи ўзбеклари Астраханьда Хоразм ва Бухоро қовулари яқинида яшайди, бодрий, заруф сингари полтавияларнинг аштиришига муваффақ бўлганлар. Ўзбеклар узоқ вақтлар давомида ўз урф-одатлари, тили ва динини сақлаб қолган. 19-аср ўрталарида келиб уларнинг матълум қисми ўз ватанига қайтиб, қолган қисми татарларга аралашиб кетган.

ВОХИДОВ ЭРИК (1936. 28. 12, Фарғона области Олтириқ райони) — ўзбек совет шоири. 1968 йилдан КПСС аъзоси. ТошДУ филология факультетини тавомлаган (1960). Воҳидов «Тонг нафиси» (1961), «Қўлқандим сизга» (1962), «Юрак ва ақл»

ҳисса қўшиб келмоқда. Хонин-қизларнинг бахтли ҳаёти ҳақидаги «Ойжамол» либреттоси (1970) ва бойликка ҳисре қўйган баъзи киншлар характеригади иллатларининг фох этилиши тасвирланган «Олтин девор» (1970) комедияси республика театрларида қўйилмоқда. Р. Ҳамзатов, Л. Украинка, С. Есенин, М. Светлов, А. Блок асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

ГАП — форс-тожикча суз, сўхбат, дўст-тенгқур, ҳаммаслар ўртасида наваб билан ўтказиладиган анифат, меҳмондорчилик, сўхбатлик негачалар. Гап иштирокчилари энг кўпи билан 20—25 ёши энг ози 6—12 кишидан иборат «бир тўта», «бир жура» бўлиб уюшадилар, уларнинг ҳар бири «жура», «уфат» ёки «гапхўр» деб номланади. Журалар тўта турар жойига қараб уюшадилар. Улар ўз оралиридан йиғилиш раиси — журабоши (гапбоши) бий, унинг ўринбосари касолат сайлаб қўядилар. Раис ва раис ўринбосари гап мажлисини тартиб билан бошқаради. Гап, одадта, ҳафтада, 15 кунда, ойда бир марта, айниқса, бунга вақт кўп бўлган қиш фаслида кўпроқ ўтказилади. Гап ўтказиш мудири олдиндан белгилаб қўйлади. Навабти келган киши кечқурун ўз уйдига меҳмонларга кутиб олади. Меҳмонларга ноз-неъмат, пириндилар, 2—3 хил овқат (куюқ-суюқ) тортилади. Гап маросими 4—5 соат давом этади. Кеча давомида аскияозлик, шеърхонлик, турли мавзуларда ширин сўхбатлар бўлади. Журалар бир кур гап бериб бўлгач, агар ҳамма истаса, гапни яна қайтадан бошлайдилар (қоҳламаган киши чиқиб кета олиши, янги гапхўр қўшилиши мумкин. Ҳозир (баъзи шаҳарларда) гапни ба-куз фаслида жураларнинг уйда эмас, соя-салқин, оромгоҳ жойларда ҳам ўтказмақдлар. Гапга оила аъзолари ҳам қатнашмоқда. Гап Тошкент, Сирдарё областлари, Фарғона водийсида «гап», «наваб», Ўзбекистоннинг жанубий областларида «гаптак» (айрим жойларда «гапи гаптак»), Қашқадарнинг баъзи жойларида «қарфона», Хоразмда «қатор вепат», «ўтиришма», «гурунг», «тўйма» номлари билан ҳам аталади. Гапнинг пайдо бўлиши уруғчилик даврига тўғри келади. Маълум территорияда яшаган уруғлар турли масалалар (яйловдан-ййловга қўчиш, чорва қишлоқини уюштириш, беғоналар ҳужумидан ўзалари химон қилиш) ва бошқа бўйича қачирилган йиғиларини «гап» деб атаганлар. Пигинга уруғ бошлиқлари, нуфузли кишилар қатнашиб, бўлғус ишларни маслаҳатлашиб олганлар (жумладан Понистон, Афғонистон ва бошқа давлатлардаги кўчманчи қабилаларда ҳозир ҳам гап-мажлиси фақат уруғ бошлиқлари ўртасида одад бўлиб, олдин аҳоли қатнаша олмайдди). Гап кейинчалик матълум касб эгалари, хўнарамандлар энг ҳаммаҳалла тенгқурлар ўртасида ҳам ўтказиладиган бўлган. Косиблар, отбоқар, аравақан, мешкоб, бўёқчи, дўрдақор ва ҳоказолар алоҳида-алоҳида тўпаларга уюшганлар. Инцилобдан олдин Ўрта Осиеда маданият ҳордиқ муассасалари бўлмаганидан гап дам олин ва вақтнинг кўнглини ўтказишнинг бир тури бўлган. Революциягача гапга журабоши қилиб меҳмонхонаси, паронти дурет киши сайланган: журабоши меҳмонхонасини палос, идиш-товоқ билан тазминлаган. Гап мажлиси деб навабти билан энг ўртада маблаг тўлаб ўтказилган. Ўртада маблаг тўлаб анифат ейиш тўкма деб аталган ва одадта кеч кўздан то баҳоргача ҳар кун ўтказилган. Тўкма бой табақалар орасида (Чирчиқ, Охангарон, Фарғона водийлари) кўпроқ тарқалган эди. Гап навабти келган жура меҳмонхонага анифат масалқилини то ўтингача олиб келган. Таовмларни тайёрлаш учув журалар орасида 2—3 ки-

ши ошпазликка беғдиланган. Гапда сўхбат, ўйин, ашулалар бўлиб, одабдан ташқари гап-суз бўлмаган. Гапнинг қандай ўтишини С. Айлий шундай тасвирлайди: «Гандон, ҳозир-жавоб ва саводис бўлишларига қарамай, шеърхон, баъзилар оса шеър айтардилар... Агар буларнинг орасида битта-аримта бозор чиқиб қолса, унга шафқатсизлик билан жазо берардилар» (С. Айлий, Асарлар, 6-т., 103-бет, 1965 й.). Гапда жураларнинг сонин бир мавсум учун ўзгармай қолган. Баъзи жойларда оса тўп тарниби йилдан-йилга ўзгаринсиз давом этган. Бир тўта гап еган журалар ҳар қандай ишда бир-бирларига ёрдам берганлар. Деҳқончилик ишлари иморат қуриш, тўй, аза, қувонч ва мушобатда ҳамкор ва ҳамдард бўлган. Гапнинг катта тарбиявий роль ўйнаган қонун-қондалари бўлган. Гапда қатнашмаган одам ўз тенгқурларини назоратдан, жамиятдан чет-йиб олиб ота-оналар улайган ўғилларнинг тенгқурлари коллективдан четда қолиб кетмаслигини чораларини кўришган. Жамиятда ва туркишда баъзан ахлоқ-одоб қондаларини билмайдиган одамларга нисбатан «гап кўрмаган, уфат кўрмаган» ибораларининг ишлатилиши сабаби ҳам ана шунда. Гап бериш ўзбек, тожик ҳамда уларга яқин жойларда энг аралаш йиловчи қозоқ, қирғиз ва уйғурлар орасида ҳам тарқалган.

ГЕНЕРАЛИССИМУС — энг олди ҳарбий унвон. Генералиссимус унвони Европа давлатлари ва Россияда подшо ховдонига мансуб шахсларга энг бир неча иттифоқчи армияларга Бош қўмондонлик қилган саркардаларга мамлакат олдидаги катта хизматлари учун берилди. Айрим ҳолларда генералиссимус фахрий унвон сифатида давлат арбобларига ҳам берилган. Франция қироли Карл IX нинг укаси Генрих III (1575—88) дунёда биринчи марта генералиссимус унвонини олган. Россияда генералиссимус унвон сифатида Пётр I томонидан жорий қилинган ҳарбий уставда (1716) уларайди. Россия империясида Пётр I замонидан бери А. Д. Меншиков ва А. С. Шейн генералиссимус унвонини олган. Кейинчалик А. В. Суворов ҳам бу унвонга сазовор бўлди. СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 26 июнь Фармони билан уруш даврида Совет давлатининг қуроли кучларига рақбарлик қилиб, Ватан олдидаги катта хизматлари учун Олий қўмондонликга берилган Совет Иттифоқи Генералиссимус унвонини таъсис этилди. Биринчи генералиссимус унвонини И. В. Сталинга берилган эди. 16-асрдан 1970 йилгача жаҳон бўйича 14 киши генералиссимус унвонига сазовор бўлган.

ГИРИХ (форсча — чи-гал, туғуи) — меъморлик ва хўнарамчиликда ишлатилган мураккаб геометрик нақш. Ўрта Осиеда Янги Шарқда кенг тарқалган. Аниқса, Ўрта Осиеда 12—16-асрларда кенг ривож топган. Гирининг қачон ва қарада вужудга келганлиги ҳозирча номаълум. Хитой, Япония, Хиндистон, Арабистон, Туркия, Испания, Эрон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда ҳам учрайди. Хусусан 10-асрда Араб ота мақбараси (Самарқанд области), Мирсад Баҳром (Кармана), Работи Малик (Карвон саройи, Жума масжиди (Хива); 12-асрда Афросиёб (Самарқанд), Термиз саройи, (Воқон), «Жарқўрғон» миноралари, Минораи Калон, Моқои Аттор (Номзоғ мажидлари (Бухоро), 15—16-асрларда Хўжа Аҳмад Ясавий мақбараси (Туркистон), Регистон майдонидеги Улугбек, Шердор ва Тиллонони мадрасалари, Бибиҳоним масжиди, Шоҳи Зинда ансамблидаги қўнгина бинолар, Ишратхона (Самарқанд), Оқсарой (Шаҳрисабз) ва Бухородаги қўнгина масжид ва мадрасаларида. Занги ота мақбараси (Тошкент)да, Худоберо саройи ҳамма мажидларида (Қўноқ) кўп-кўп учрайди.

Ҳозирги замон архитектурада гирих намуналарини Тошкентдаги Навоий Мўқимий, Ҳамза номли театр биноларида, Министрлар Совети биноси, В. И. Ленин музейининг Тошкент филиали, «Зангори гулба» нафиси ва Ўзбекистон комсомол Марказий Комитети биносиде қўриш мумкин. Гирих замонавий архитектурада ҳам нақининг асосий турларидан бири бўлиб қолди.



Глобус.

ГЛОБУС (латинча — шар) — ер шарининг модели, кичик нусхаси. Глобус бутун ер юзасини, унинг геометрик контурлари ўхшашлигини ва майдонлар нисбатини сақлаган ҳолда тасвирлайди. Глобус майдан масштабада, қўнгина 1:30—1:80 миллион масштабада қўнгина 1:492 йил Птолемей карталари асосида М. Бехайи ясаган глобусин биринчи географик глобус ҳисобланади. Лекин милоддан аввал 6-асрда юнонистонлик Кратес Глобус ясаганини Страбон эслаб ўтади. Ўрта Осиеда олимларидан Абу Райҳон Беруний ҳам глобус ишлаган. Улуғбекнинг Самарқанддаги расадхонасида глобус бўлган. Хўнарамчи Хонин Юсуф Хайланий (Мирфабош) ишлаган глобус (1888 йил) Самарқандда А. Икромов номидаги Ўзбекистон маданият ва санъат тарихи музейида сақлашмоқда.

ши жиҳатдан Самарқанддаги Қозивода Румий мақбарасига, нақшларнинг чиқилиш услуби жиҳатидан Бибиҳоним масжиди ва Шоҳи-Зинда мақбараларига ўхшайди.

ДАВЛАТ СИФАТ БЕЛГИСИ — СССРда ҳақиқатсизлик бўлмаганга ва ишлаб чиқариш техникасида ишлатилган товарларга қўйиладиган юқори сифат белгиси. 1967 йилда жорий қилинган. Давлат сифат белгиси (товар белгисида мустасно) бевосита товарга энг товар жойлаштирилган идишга, шунингдек, товар билан бирга юборилган ҳужжатларга ёрлик ва этикеткаларга қўйилади. Корхоналарга Давлат сифат белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи санаот махсуслотлари сифати аттестациялаш натижаларига қараб 2—3 йил муддат билан министрликлар (бошқармалар) томонидан берилди.

ДАКЕНУС, Даққонус, Диоклетианус (қадимий Рим императори Диоклетион) 245—313 (номидан) — қадимий афсоналар қаҳрамони, махшур шахслардан бири. Даққонус ҳақида турли афсонавий маълумотлар бор. «Асқоби Каҳф» («Гор ишчилари») афсонасида айнилайишча, Даққонус зотини билан ном чиқарган, динига кирмаганларини шафқатсиз жазаолаган. Унинг тазабидан қўриққан 8 киши ҳамда бир ит горга яширилади ва уйкуга сақлашмоқда. Уйғонганларидан



Гумбази Сайдон, XV аср.

ГУМБАЗИ САЙДОН (Сайидлар, уруғлар Гумбази, Мақбараси, 1435 й. Шаҳрисабз шаҳри). — Улуғбек ўзининг авлодлари учун қурдирган гумбази мақбараси. Дор ут-тиловат ансамбли таркибига. Гумбази сайдон жанубдан Шамсидин Қулло мақбарасига туташган. Тарх (режада) деворларнинг таши ўлчами 9 метр, ичи 5,75 метр. Гумбази сайдоннинг асосий квадрат шаклида, устига 8 қирралли призма қўйилган ва бу қисми ички гумбази билан барабан эса, таши гумбази билан ёпишган. Барабан ва таши гумбази 6 қиштин қовургалар билан пастки қисмига бирлаштирилган. Пештоқ ва таши гумбази қулаб тушган. Пештоқ кўб, зангори оқ тусли нақшлар (гирихлар) билан безатилган. Барабан сатҳи кошкорин гирихлар билан ўдрилиб, гирихлар орасига кўфий хати (оқ қўнгина) битилган. Мақбара ичида 4 та қаброш бўлиб, 3 таси — Амир Абдул Муоний, Муҳаммад Сайид ва Маъруфхон Абдул Муоний ўғилларига тегишли. Бир қабр тош ёзувсиз (қиминчилиги номаълум). Мақбаранин ички деворларидеги равоқлари ички қатор бўлиб, уларнинг устидаги бурчаклариде дарчалар бор. Изорадаги нақш ҳозир кўчиб тушган. Барабан ва призма қисмидаги оралида (оқ рангда) суз хати битилган. Гумбази сайдоннинг нақш ва расмлари нафис; мақбара деворлари ва гумбази гирих ва меллиий нақшлар билан безатилган, заманин оқ гулганчад. Нақшларда асосан кўб, кейин қизил, сарғиш ва бошқа ранглар ҳам учрайди. Нақшларнинг тўзилиши улар чизилган сатҳлар монанд.

ДЕКАН (латинча — ён боши) — олий ўқув юртида факультет рақбарин. Олий ўқув юрта факультет кенгашида профессорлар ёки таърибали доцентлардан яширин овоз бериш йўли билан 3 йилга сайланади. Декан факультетдаги ўқув тазлим-тарбия ва илмий ишларин бошқаради, факультет илмий кенгашининг раиси ҳисобланади.

ДЕНЬГА (туркча танга) — 14—18 асрларда Россияда муомалада бўлган қумуш танга. Дастлаб 14-асрнинг охирида Москвада зарб этилган. Денга оғирлиги 0,92 грамм бўлиб, Москва сўмининг 11100 га тенг келган. 15-асрнинг ўрталарида Москва денганининг бир томонидан ишлаб энг зарб этилган. Иккинчи томонига ҳар хил нақшчи суратлар туширилган. 17-аср ва 18-асрнинг 1-чорагида қумуш денга билан бир қаторда мис денга ҳам зарб этилган.

ВЕРЕЩАГИН Василий Васильевич (1842—1904) — рус демократ расмоси. 1860—63 йилларда Петербург Вадиий академиясида, сўнг Парижда расмос И. Л. Жером устахонасида (1864—65) таълим олган. Верещагининг ишонди Янги Шарқ, Болқон мамлакатлари, Хиндистон, хусусан, Ўрта Осие даъити билан бевосита боғлиқ. Верещагин, айниқса, уруш манзараларини тасвирловчи асарлари билан муваффақият қозongan. Подшо ҳукумати қўшинларининг Ўрта Осие территориясидаги юришлари (1865) да қатнашган. Маҳаллий халқларнинг турмушини ва уруш манзараларини аниқ

сиз (1874—76), «Хинд қўзғололининг ингилизлар томонидан бостирилиши» (1884—85); рус-турк уруши мавзуида «Шинша-Шейново» (1878—79), «Халқ бугданларга мотам тутиш» (1877—78), «Атақанда сўнг» (1881), «Шинида оройиш» (1878—79); Россиянинг Наполеонга қарши олиб борган урушига бағишлаган «Удуғ армиянинг тунги қўшини» асарларини яратган.

ВИДЕОТЕЛЕФОН — кишилар бир-бирларини экранда кўриб туриб гаплашадиган телефон аппарати. Видеотефон олдий телефон тармоғига уланади; у тасвирини узатувчи телевизион камера, тасвирини қабул қилувчи электронурли труба ва телефон аппаратидан иборат. 1929—30 йиллари немис Феризсе фирмасида видеотефоннинг лаборатория макети ишланган. 1946 йили Совет Иттифоқида И. П. Захаров рақбарлигида электронурли видеотефон иштирок қилди. 1961 йил октябрда Москва—Ленинград ва Москва—Киев видеотефон алоқаси ўрнатилди. 1961—66 йиллар мобайнида видеотефон Тошкент, Таллин, Вильнюс, Каунас, Львов, Қозон, Андижон ва Фарғона шаҳарларига пайдо бўлди. Тошкент Марказий телеграф биносиде ўрнатилган видеотефон аппаратида бошқа шаҳардаги киши билан гаплашувчи шахс ўз сўхбатлашини катта телевизор экранда кўриб туради. Тошкент видеотефон алоқаси кабели системаси оралида Москва, Ленинград, Киев, Тбилиси, Свердловск, Минск, Смоленск, Львов, Қозон ва Саратов шаҳарлари билан радио-теле тармоқлари орали эса Андижон ва Самарқанд билан боғланган. Узоқ масофалар билан алоқа боғлашга мўлжалланган олдий видеотефон аппаратини яратиш учун видеосигнал частоталарини биринчи қамайтириш лозим. Ҳозир тасвир кадрлари частотасини камайтиришнинг икки усули



«Волга» автомобили (ГАЗ-24) қирқими.

ВОЛГА — двигатели ўртача гиралиги, 5—6 кишилик енгил автомобиль Горький автомобиль заводи ишлаб чиқарди. Дастлабки «Волга» (ГАЗ-21 модели) 1956 йилда ишлаб чиқарилаган. Кейинги йилларда завод бу моделни такомиллаштира борди. 1969 йилдан ГАЗ-24 нарқали янги модели ишлаб чиқара бошлади. ГАЗ-24 га қўнгина 72 квт (98 от кучи) бўлган 4 тактли 4 цилиндрли двигатель ўрнатилган. «Волга» ни соатига 145 километр гача тезлик билан ҳайдаш мумкин; 100 километр юрғанда 11—13 литр енгил сарфланади.


ВОЛГА БУЙИ ЎЗБЕКЛАРИ — 6—19-асрларда Волга бўйларида яшаган ўзбеклар. Асрлар мобайнида Волга бўйларидеги шаҳарлар Ўрта Осие моллари учун муҳим бозор ҳисобланган. Хоразм, Бухоро ва бошқа шаҳарларда Волга бўйларига мол олиб боруви савдогарлар бўлган. Ўрта Осиенинг Волга бўйлариде давлатлар билан иштироси, сиёсий ва маданият алоқаси ҳар киши томонидан бир-бирига яқинлаштириди. Хозирги Ўзбекистон территориясида яшаган аҳолининг маълум қисми илмий равишда Волга бўйларига бориб ўрнаниб қолди.



«Лочини кўтарган бой овчи қирғиз».

В. В. Верещагин расми.

ёттирувчи реалистик полотнолар туркумини яратган. «Вангири» (1868), «Лочини кўтарган бой овчи қирғиз» (1871), «Темур дарвозаси» (1872—73), «Кул боланин сотилиши» (1873), «Тошкентлик аёл» (1873), «Сахарандан вилдони» (1873), «Қуришдан душманни таъқиб қилмоқдалар» (1872), «Голублар» (1872), «Му-



Видеотефон хонасида

қадас қабр Устида худода синиятганлар» (1873), «Уруш тангаси» (1871—73) шулар жумласидир. Хиндистон темасида «Агра-Дати Тож Маҳал мақбара-



Йўллар, Одамлар, Ҳўнлар...

Бир гектар ери да-
рахт ўтказишга тайёр-
лаш учун майдони 200—300
тонна тошдан тозалаш лозим
бўганини ҳисобга олсангиз,
нақадар маънақатли иш амал-
га оширилганини ҳис қиласиз.
Олимлар билан бир қаторда
маҳаллий ботбонлар ҳам энг
паймириб ишга киришди.
Булар орасида Шунинг қишло-
қидан келган Хуромон
Ашурмамедов ҳам бор эди.

— Бу ерлар жаннат бўлиб
кетишига ишонганим, — дер эди
у ҳадеб бир гапни қайтариб. —
Ахир сойлар бўйида май-
мушконлар, ёввойи анжирлар
ўсади-ку. Демак, бошича да-
рахтлар ҳам мева бериши аниқ.
— Мосвадлик олим Анастол
Валерианович Гурский ўз по-
гирдлари билан ишга кири-
шди. Ашурмамедов синга-
ри тажрибали ботбонлар ёрдам
берди. Шундай қилиб
Иттифонда энг баланд бота-
ника боғига замин аратилди.
Бог ҳали қишчи, битта
булоқнинг суви билангина су-
ғуриларди. Боғни кенгайтириш
учун қаердан бўлмасин сув то-
пиш керак. Бу масала энди
ҳал қилинай деб турганида
уруш бошланиб қолди. Ҳали
дурустроқ натижа бермаган
тажрибанинг нима билан ту-
гани маъмури бўлиб тургани
пайида қолдиқлар ёрдамга
келди. Ҳали йўл билан
ботаника боғи томонга 8 ки-
лометрлик қанал қазилди. Йўл,
бу тилис ерда қазилган ариқ
амас, тик қоялар, чуқур жар-
ликлар оғаллаб ўтганган му-
раккаб қурилма эди. Атроф-
даги бутун ваёвотлар ёрдамга
келди. Шундай қилиб, ша-
ҳар тепасида янги бўстон ю-
зунда келди. Хорозликлар
арта баҳорда қумботар томон-
да қишлоқ остидан ўрик, шаф-
толи гулларини қўриб, қуво-
надиган бўдилар. Жаҳоннинг
кўп олимлари бу ерда ўткази-
лаётган тажрибага қизиқиб
қолди. Нима учун бошича
ерларда шундай баландликда
дарактлар яхши етилайди-ю
бу ерда бемалол кўкаратиб?
Маълум бўлишча, Помир ос-
мони бошича тегиз жойларда
ғиза нисбатан серқушроқ экан.
Бу ерда ҳаво очиб кунлар кўп-
роқ бўлган. Шунинг учун
ҳам водийларда ўсадиган да-
рахтлар бу ерда ҳам бемалол
тутиб кетаверар экан. Масалан,
дуб даракти волий жойларида
бир йилда 100—150 санти-
метр ўсса. Помир ботаника
боғида 300 сантиметргага
ўсар экан.

Булар, албатта, кейинчалик
аниқланган далиллар. Шунча
тажриба тўплаш учун орадан
30 йил вақт ўтди. Хозир бог
майдони салкам 100 гектар.
Помир ботаника боғига мам-
лакатнинг жуда кўп шундай
боғлари олинди. Районга, Ба-
ранов сингари табиқий биолог-
лар яқиндан ёрдам берди.
Мава бугун бог жаннат
тусига олган.

Ботаника боғининг директо-
ри Мамадраймбек Шарар-
мамедов боғни айдан эрай,
худди уйга келган меҳмонларга
ўз боғларини тавиштириб
меҳмондек ҳар бир дарактнинг
фёз-атворини бирма-бир ту-
шунтирди.

— Мава бу нок фақат шу
ерда ўсади. Уни Помир ноки
деб аташ ҳам мумкин. Мава
бу даракта қўнигини тегиз-
манг, бу — Қийшох деган аа-
харли даракт.

Хибобнинг икки четидан
гулзор тоғ қўшининг эри-
ловчи нуралида ял-ял ёнади.
Чечаклар неси тоғнинг сийрак
хавосини тўлдириб юборган.
Совини бир туйғу билан туйиб-
туйиб нафас олганиз, келад.
Қаердандир қушлар сайради.
Қўлоблатиб сув семиган хив
бондан охиета юриб бораётган-
сиз, ўзининг Фабоғининг
аллақайси боғида сайр қилаёт-
гандек ҳис этасиз.

Бог маъус бўлимларга
ақратилган. Америка қиъта-
сида ўсадиган дарактларга
алоҳида, Европа ўсимликларига
алоҳида, Шарқий Осиё даракт-
ларига, маҳаллий ўсимликлар-
га алоҳида майдонлар ажратиб
берилган. Ҳазинанинг мадания-
га ўхшаш Америка амелан-
хари, шу қиътадан келтирилган
қиънинг дўлага — ҳаммаси би-
ричи бор қўриб қилинди
хайрат уйғотди. 170 хил
Америка ўсимлигининг ҳар бири
ўз фёз-атворига эга. Ҳазинанинг
ғилосдек келадиган.

Ботаника боғида
Хорог терайлари
Гариччашма — несиқ булоқ

(ДАВОМИ.) Боши газетанинг
216, 220 ва 223-сонларида.

Лазер нури ойна орқали ўтаёт.
ганида ҳам унинг энергияси
қийинлайди. Берн минероқма,
қийинларда бўлган минероқма,
ларни улаш, жумладан, новб
вакуум асбобларни тиклашда,
шу ҳодиса лазер нуридан фой-
даланиш истиқболларини очди.
Украина Фанлар академияси

бироз нордоқроқ инглизча олча,
Манчжурия ёнгои, хитой
олмаси бу ерда худди ўз вата-
нидайдик бемалол яшнаб ёти-
ди. Саратон қуёшида етилган
ўриклар, Ялалар мевасининг
мултигидан шохини кўтара
олмайди.

— Ботаника боғининг ама-
лий аҳамияти натта, — дейди
ботаника институтининг дирек-
тори Худоёр Юсуфбеков. —
Атрофдаги қолхоз-совхозлар

чоғдан охириб бажариб қўй-
мадимкан? Фақат улар алла-
қандай малика ишида эмас,
эл-юрт ташвишида шундай са-
ҳоватли иш қилиништи.

«Газик» майда тош билан
қопланган йўлдан оғи ерга
тегмай учиб боради. Бир то-
монда «пашша қўса» сирга-
либ йиқилган тик деворга
ўхшаш жигарроқ қоялар, бир
томонда — элли қулочча паст-
да шовуллоб оқётган Панж
дарёси. «Жингалар соғлари,
нира бурни, кескини ҳаракат-
лари айнан лўдилариникига
ўхшаш нетаганин шофёр йигит
Булбул машинасини шиддат
билан ҳайдайди. Шаҳарнинг
енг гавжум кўчаларида «хуна-
рини» намоиш қиладиган тақ-
сичидек тоғнинг пастки — балад
ерларидан қўшдек елиб ўтади.
Мотор салоси қоялар остида
акс — садо беради. Пастда эса
куларанг тўққинларини кўри-
птириб Панж гувилларди. Тоғда
шу тусдаги эртималар кўп бўл-
са керак, дарё мутасил кулар-
ранг оқди. Нариги соҳилда —
Афғонистон томонда — тошлар
орасида ингичка сўмоқ йўл
кўнга чалинади. Онда-сонда
эшак минган йўловчи қури-
ни қолади. Шунда сиз миниб
бораётган машинангиз, юриб
бораётган текис йўлнингиз на-
қалар қадраи эканини беҳи-
тхис ҳис қиласиз. Қачондир
мана шу тош йўл урида ҳам
осма йўллар бўлганини ўйлаб
келасиз. Бир вақтлар тик қоя-
лар бағрида осма йўллар қу-
ришган. Айтишларча, бун-
дай йўл қуришнинг ўз усули
бўлган. Аввал қолдаги ёриқ-
ларга учун қозиб қоқилди,
кейин улар устига қоллар
ташланади. Ҳода устидан шох-
либбалар ташлаб, майда тош
билан қопланади. Эллиқ қу-
лоқ пастда хайриб ётган
шидатли дарё устида осиб
турган бундай қил кўришди
ёриб умчаллик ҳам лаззатли
бўлмаса керак.

Тоғликлар бундай йўлларда
юк ташини мушкул бўлган-
лиги учун дарё оқимидан фой-
даланишган. Ичига ҳаво дам-
ланган кўй терисидан ясалган
мешларнинг бир қазасини
бирктириб, устига юк ортиш-
ганда, оқим бўйлаб қўйиб
юборишган.

...Машина тормоқи чийайла-
ди. Гиддираклар майда ша-
гал устида бир неча қаддам
сирғалиб бориб тўхтади. Бул-
бул ҳаёлимизни қўйиб юборган
уруш учун уар сўраганден,
килмайиб қўяди.

— Наран ичасларми? —
У янабимизни кутмай, сакраб
тушиб, йўл четида қайнаб
ётган булоқ олдида чўнқайди.
Булоқ суви чиндан ҳам худди
Кавказ нарзанининг мазасини
беради. Сува темир моддаси-
нинг қўлини учун бўлса ке-
рак, булоқ атрофидаги тошлар
сарғайиб кетган.

Умуман, Ишанлим районига
минерал булоқлар кўп. Хорота
биринчи келган қўнимзоқ
Гариччашманинг таърифини
эшитгандик. Мусофирхонага
қўшимча билан қўшни
хонадан чиндан бир йигит шу
сувининг таърифини қилган
эди.

— Э, акалар, беш йил қи-
ри-наган дардан шу сув ҳолоқ
қилди мени! Бўйиниға мар-
жандек яра тошиб кетган эди.
Кўрсатганим докторим, орма-
ган докторхонам қолмади. Гар-
иччашмага ўн беш марта тушиб-
ди, дард кўрмагандек бўлиб
кетдим.

(ДАВОМИ БОР.)

Спорт

МУДДАТЛАР АНИҚЛАНДИ

Халқаро шахмат федера-
циясининг Хельсинкида бў-
либ ўтган 44-конгресси маҳор
биринчилиги учун ўтказил-
диган «орак финал уйинлари»
нинг қарера ва қачон ўт-
казилиши аниқланди. Ў. По-
лугаевский — А. Карпов мат-
чи Совет Иттифонда ўт-
казилди. Т. Петросян билан
Л. Портиш Испанияда, Э. Ме-
нинг билан В. Корчной — Аме-
рика Қўша В. Шатларда, Б.
Спасский билан Р. Бирн Пуэр-
то-Рикода учрашдилар. Бу
матчлар 1974 йилнинг 10—15
январь кунлари бошланishi
керак.

Конгрессда уч совет шах-
матчисига — Ю. Балахов,
В. Савон ва Г. Кузьминга
халқаро гротсмейстер, яна
етти совет шахматчисига
халқаро мастер унвони бе-
рилди.

БИРИНЧИ ЛИГАДА

Кишиневнинг «Нистру» ва
Одессанин «Черноморец» но-
мадларини охириг турда ма-
глубитга учраганиликларига
қарамай ҳамон турнир жа-
валида пешқадамлик қилиш-
моида. Фақат Москванинг
«Локомотив» футболчилари
уларга бироз яқинлашишга
муваффақ бўдилар. «Нист-
ру» Ивано-Франковск ша-
ҳарида маҳаллий «Спартак»
командасига ўн бир метрли
жарима тўплари бўйича 5:6
хисобда ютказиб қўйди.
«Черноморец» Харьковда ма-
ҳаллий «Металлист» коман-
дасидан мағлубиятга учради.
Бу ерда ҳам ўйин тандир
жарима тўпларини телишида
ҳал бўлди. Майдон эгаллари
туғри анинроқ топиб, 7:6 хис-
обда галаба қозонди.

Қолган ўйинларда қўйнидаги
натижалар қайи қилинди:
«Олга» (Фрунзе) — «Локо-
мотив» (Москва) — 0:1, «Нефчи-
» (Боку) — «Текстильчики»
(Иваново) — 2:0, «Спартак»
(Нальчик) — «Крилья Совет-
тов» (Куйбишев) — 5:7 (2:2),
«Спартак» (Оржоннидзе) —
«Звезда» (Перми) — 1:0,
«Торпедо» (Кутанси) — «Шах-
тёр» (Караганда) — 1:0, «По-
мир» (Липецк) — «Метал-
лург» (Липецк) — 4:1, «Строн-
тель» (Ашхобод) — «Шинник»
(Ярославль) — 2:0, «Метал-
лург» (Запорожье) — «Кузбасс»
(Мемерово) — 6:4 (1:1).

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Минск шаҳрида ўтаётган
мергалиги бўйича СССР
чемпионатида республика-
миз вакили С. Рыбаченко пие-
натик мильтидан 10 метр ма-
софадаги нишонга 40 ўн узин
бўйича мусобадада 382 очко
натижага эришиб туртинчи
урини эгаллади. Команда ҳи-
собида эса Ўзбекистон мер-
ганлари 1494 очко билан
кучли учликни қиришди.

Москва торпедочилари
нинг нубон эгалари нубонги
турниридаги рақиб — Ис-
паниянинг «Атлетик» (Биль-
бао) командаси мамлакат би-
ричилигидаги маъноси би-
роз ўнлаб олди. «Атлетик»
сўнгги турда Мадриднинг
«Реал» командасини ўз май-
донда қабул қилиб 2:1 ҳис-
обда галаба қозонганидан сўнг
4 очко билан саниқининчи
уринга кўтарилди.

ОСИДА ЭНГ УЗУН

Осиёда энг узун осма
кўприк қуриб битказилди.
Бу кўприк Япониянинг катта
Хонсю оролинги Юсю жану-
бий ороли билан боғлади.
Жуда катта пўлат ишиоот
Симонсенни бўғоз устида
денгиз юзасидан 61 метр
баландликда қўтарди.
Кўприкнинг жами узунлиги
1068 метр, эни 26 метрга
борди. Устунларининг бў-
йи 140 метрни ташкил эт-
ди. Кўприк пўлат арқонлар-
га осилган. Барча ёрдамчи
пўлат арқонларнинг узунли-
ги 32, 500 километрга бора-
ди. (ТАСС).

100 МИНГ КИЛОМЕТР ЙЎЛ БОСГАН КИШИ

БУХАРЕСТ. Руминияда
Бузу шаҳри тарих музейига
энойиб бир саёат ҳақидаги
хужжат сақланмоқда. Шу
шаҳарнинг грандани Дан
Дунитру 1910 йилда бутун
дунёни пийда айланиб чи-
ққан. У олти йилдан кўпроқ
вақт ичида 100 миғ кило-
метр йўл юрган ва ҳозиргача
мисли қурилмаган жаҳон ре-
корди қўйган. У йўл-йўлакни
1500 шахарга бориб, 76 мам-
лакатда мотом бўлган. Д. Ду-
митру 1916 йилда уйига
қайтиб келди. Ер юзини ай-
лаиб чиниш вақтида у 497
жуфт оёқ юйинини тўздириди.
(ТАСС).

ИЛМ-ФАН — ИШЛАБ ҚИЯРИШГА

қиздириб юбормайди, бинобарин
унинг хосасини ўзгартирмайди.
Бу нарса микроэлектроника схе-
малари ва, аниқ асбобозилик
узелларини монтаж қилишда ай-
ниқса қўл келади. (ТАСС).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

МУҚИМНИ НОМЛИ ҲАЗЕБ ДАВ-
ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
11X да Қонли туй, 41X да
Меннинг жаннатим (кеч соат 7
яримда).
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —
ИВАН АНИСИМОВ РАҲБАРЛИГИ,
ДАГИ УРАТИЛГАН АНИҚЛАР
АТТРАКЦИОНИ (кеч соат 7 ярим-
да шанба кунлари — кундуз
соат 3 ва кеч 7 яримда; яшан-
ба кунлари — кундуз соат 12, 3
ва 7 яримда).

Кино

2 ОКТЯБРДА
Мени кўрасиз ҳали — «ҲЗ.
БЕКСТОН» (кундуз ва кечурун),
«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (10.00,
14.00, 18.00, 21.45).
Робинзон Крузонинг ҳаёти ва
анойиб саргузашти — «ҲЗБЕ.
КИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11.00,
13.00, 17.00, 19.00), «ДРУЖБА»
(жуфт соатларда).

ТЕАТР

Гул ва тош (2 серия, ҲЗБЕК
тилида) — НАВОНИ номли (кун-
дуз ва кечурун).
Тузалмас одам — «ТОШКЕНТ
СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ»
(жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоғ
соатларда).
Тартиб учун қилинган жиноят
— ХАМЗА номли (тоғ соатларда).
Сангам — «БҲҲЧА» (кундуз
ва кечурун).
Сандон ёни болга (2 серия) —
САНЪАТ САРОИИ (кундуз ва кеч-
урун).
Кулфсиз эшик — «СПУТНИК»
(жуфт соатларда).
Уғай она — «ЧАПКА» (тоғ
соатларда).
Жодугар (12.00, 16.00, 20.00),
Тенузма — (тоғ соатларда) —
«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Привалов миллионлари (2 се-
рия) — «МОСКВА», «ВОСТОК»
(кундуз ва кечурун).
Ун ички стил — «ЎЗБЕКИСТОН
25 ЙИЛЛИГИ» (14.30, 20.45).
Қора бўри — «СПУТНИК» (тоғ
соатларда).
3 ОКТЯБРДА
Кулфсиз эшик — «ЎЗБЕКИС-
ТОН» (кундуз ва кечурун),
ХАМЗА номли (тоғ соатларда).

ТЕАТР

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ»,
«СПУТНИК» (жуфт соатларда).
Тартиб учун қилинган жиноят
«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ»
(кундуз ва кечурун).
Гул ва тош (2 серия, ҲЗБЕК
тилида) — НАВОНИ номли (кун-
дуз ва кечурун).
Мени ҳали кўрасиз (10.00,
12.00, 14.00, 16.00, 18.00), Хоним,
лар ва жаноблар (20.00, 21.45) —
«ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛ-
ЛИГИ».

Сандон ёни болга (2 серия) —
САНЪАТ САРОИИ (кундуз ва кеч-
урун).
Уғай она — «ЧАПКА» (тоғ
соатларда).
Привалов миллионлари (2 се-
рия) — «МОСКВА», «ВОСТОК»
(кундуз ва кечурун).
Робинзон Крузонинг ҳаёти ва
анойиб саргузашти (жуфт соат-
ларда), Тузалмас одам (тоғ соат-
ларда) — «ДРУЖБА».

САНЪАТ САРОИИДА
1 октябрда
САНДОН ЁНИ БОЛГА
НОМЛИ ЯНГИ, КЕНГ ЭКРАНЛИ, РАНГЛИ, БАДИИЙ 2 СЕРИЯЛИ ФИЛЬМ
ПРЕМЬЕРАСИ
Болгария, ДЕФА (ГДР), Мосфильм (СССР) кино студияларининг биргаликдаги маъсулоти,
ФИЛЬМ БОЛГАР ХАЛҚИНИНГ ОТАШИН РЕВОЛЮЦИОНЕРИ
ГЕОРГИЯ ДИМИТРОВ ҲАЁТИГА БАҒИШЛАНДИ.
СЕАНСЛАР: эрталаб соат 11.30, кундуз соат 14.30 17.30 ва кеч соат 20.30 да бошланади.

„ТАШГАЗ“ бошқармаси
газ асбоблардан бехатар фойдала-
нишни таъминлаш мақсадига
газдан фойдаланувчи граждандарга
қўйнидаги тартибни эълон қилди:
Филган газ горелларини қаровисиз
қолдирмаг. Бу бахтсиз ҳодисаларга
портлаш ва ёнғинга олиб келиши мум-
кин. Болаларни газ асбобларига йўл-
манг.
ГАЗ ҲИДИНИ СЕЗИБ
ҚОЛСАНГИЗ
аши ва деразаларни очиб, бинони
шамоллатинг, асбобга газ асбоб олдиде-
ли газ қиралирини, сууртилган талдан
фойдаланишда эса баллон вентилини
берингиз.
Фондан 04 йил 85.26.20, 55.26.21 теле-
фонлари орқали авария хизматини ча-
қиринг.
Учун чиқишига йўл қўймасангиз
мақсадига элентр ишчилари ва
вентиляторлардан фойда-
ланиш, тутурт чақиб, чекши
қатъий тақиқланади.
«ТАШГАЗ» бошқармаси.

Узбекистон ССР Кишлоқ
хўжалик вазирлигини
ИПАҚЧИЛИК БОШ
ҚОШҚАРАСИНИНГ
«ШЕЛ» МАХСУС
КОНСТРУКТОРЛИК
БИЮРСИГА
инженер-конструкторлар ва
механиклар, электрликлар ус-
куналарни стандартлаштириш
ва лойиҳалаш бўйича инже-
нерлар, электромонтажни-иш-
чилар, тоналар, фрезерчилар,
слесарлар, шоғирдлар, ёрдам-
чи ишчилар.
КЕРАК
Мурижаат учун адрес: Тош-
кент вилояти, Калинин район,
генерал Узақов кўчаси (34, 64,
адресбуларнинг «Ипақчилик
институт» бекати).

ТОРГОВИЙ
ЦЕНТР
ХИЛОЗОР
ХУРМАТЛИ
ХАРИДОРЛАР!
«ЧИЛОЗОР»
САВДО
МАРКАЗИ
кузги кишини мавсум учун
қуйидаги молларини
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
аёлларнинг турли хил ранг-
даги газлама, тўқийли драп ва
трикотаж тинилган, ёнаш ш-
моп тулиси, шорна ҳамда қор-
абутун тулини мўнавали
янги моделдаги ишчи ва ма-
сумбоп пальталари;
сунғий чарм ва «пелакс»
сунғий газламасидан тинилган
пальталари;
орнасларнинг мамлакатимиз-
да ва чет эл фирмаларида ти-
килган турли-туман костюмла-
ри, ҳар хил плашчалари,
«Қиёиз тонг» фирмаси тайёр-
лаб чиқарган ва сифат белги-
си билан тақдирланган мўна-
ли курталар;
Шунингдек трикотаж бу-
юмлар, поймафал, пальто ва
қўйлақбоп шерсть газлама-
лар.
Магазин савдосида бола-
лар кийими ва поймафалли
доимо мавжуд.
«Чилонзор» Савдо марка-
зига таклиф этамиз.
Бу ерда Сиз мавсумбоп
буюмларни харид қилишни-
гиз мумкин.
1
ОКТЯБРЬ
ДУШАНБА
2
ОКТЯБРЬ
СЕШАНБА